

А. АБДУФАТТОҲ.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ



Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтган ёзги Пара олимпия ўйинларида Қозоғистондан 131 нафар спортчи спортнинг 14 тури бўйича куч синашди. Нуфузли мусобақада юрт шарафини ҳимоя қилган Туркистон вилояти спортчилари юртимизга соврин билан қайтишди. Уларни Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди қабул қилиб, эҳтиром кўрсатди. Ғолиблар билан суҳбатлашиб, миннатдорчилик билдирди.

Жумладан, Қозоғистон Республикасининг каратэ бўйича хизмат кўрсатган мураббий Нурмахан Мелдеханов Қозоғистон Республикаси Туризм ва

спорт вазирлигининг “Хизмат кўрсатган спорт ходими” кўрак нишони билан тақдирланди. “Сауран” ногиронлар мактаби директори Абай Қазиев Ту-

ризм ва спорт вазирлигининг “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари учун” кўрак нишони билан тақдирланди.

Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Қозоғистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий Ольга Ковалева, байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Қозоғистон Республикаси мураббийи Еркебулан Кенесов ҚР Туризм ва спорт вазирлигининг ташақкурномаси

билан тақдирланди. Боксдан ҚРда хизмат кўрсатган мураббий Миразағали Айтжанов, параканоэда эшак эшиш бўйича ҚРнинг олий тоифали мураббийи Геннадий Иванов вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Осиё ва Осиё параўйинларида иштирок этган спортчилар вилоят ҳокимининг ташақкурномаси билан тақдирланди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Жамоатчилик қабули

Сайрам тумани ҳокими Арман Сабитов “AMANAT” партияси жамоатчилик қабулхонасида фуқароларни шахсий масалалари бўйича қабул қилди.



Фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларнинг аксарияти инфратузилма, оғир юк машиналарининг йўлда юриши, миллий спорт турларини ри-

вожлантириш, жамиятда барқарорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга доир эди.

Қурлиқ қишлоғидан ташриф буюрган Б. Қулжабаев қўшимча

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

сув қудуғини қазиш ва ўрнатилган симёғочларга тортилган электр симлари ҳолатини назорат қилиш, шунингдек, асфальтланмаган кўчаларни таъмирлашни сўранди. Дарҳақиқат, бу аҳоли манзилидаги Қ. Жумабаев кўчасини таъмирлаш 2024 йилнинг режасига киритилган. Шу кунгача қишлоқдаги давлатга қайтарилиши режаланган 1029,52 гектар яйловнинг 749 гектари қайтарилган.

Туман ҳокими Интимақ қишлоғида истиқомат қилувчи М. Сатпаевнинг камондан отиш спортини ривожлантириш бўйича мурожаатига жавоб бериб, бу масалани вилоят даражасида ҳал этиш имкониятлари қараб чиқирилиши маълум қилди.

А. Сабитов қабул чоғида маҳаллий даражадаги масала-

ларни жойларда зудлик билан ҳал қилишни қишлоқ ҳокимларига топширди. Туман раҳбари барча фуқароларнинг саволларини диққат билан тинглаб, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳа ва режаларга алоҳида тўхталди.

Тадбирда “AMANAT” партияси туман бўлими ижроия қотиби Қуаниш Сиздиқов, туман ҳокимлигининг бўлим мудирлари ва қишлоқ ҳокимлари иштирок этди.

Қабул якунида туман ҳокими А. Сабитов кўтарилган масалалар эътибордан четда қолмаслиги, билдирилган таклифлар асосида аниқ чора-тадбирлар кўрилишини маълум қилди.

З. МҮМИНЖОНОВ.

ЎҚИТУВЧИЛАР ЯПОНИЯ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

Вилоят ҳокими Д. Сатибалдининг таълим сифатини ошириш борасидаги топшириғига биноан замонавий тажрибаларни жорий этиш ва вилоятда қуриладиган «Бадас-тир мактаб» лойиҳасига тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан вилоят делегацияси Японияга бориб келди.

Вилоятнинг 15 нафар вакили хизмат сафари билан бориб, биринчи босқич устида ишламоқда. Семинар дастурига япон мутахассисларининг таълим соҳасидаги маҳорат сабоқларида иштирок этиш, мактабларига ташриф буюриш,

дарсни ўрганиш ва тадқиқот жараёнида иштирок этиш каби тадбирлар киритилган. Сафар Япония Таълим вазирлигининг Миллий таълим сиёсати институти кўмағида ташкил этилди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



ТАДБИРКОР ДАРОМАДИНИ ОШИРМОҚДА

Тулкибош туманида «2021-2025 йилларга мўлжалланган тадбиркорликни ривожлантириш миллий лойиҳаси» давлат дастури ушбу соҳани ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Састўбе кентига яшовчи II гуруҳ ногирони Гулнара Жақсимаева тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, мўмай даромад олмақда. 2023 йил февраль ойда «Бизнес бастау» лойиҳаси доирасида тадбиркорлик асосларини ўрганиб, сертификат олган. Апрель ойда лойиҳа доирасида давлат грантини олиш учун ариза топширди.

Комиссия йиғилишида «Нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш» бизнес-режасини ҳимоя қилиб, 1 млн. 380 минг тенге грантга эга бўлди. Олинган маблағ эвазига зарур жиҳозлар харид қилиб, новвойхона очди ва бугун ҳам-қишлоқларига хизмат қилмоқда.

РЕСПУБЛИКАГА ЙЎЛЛАНМА

Туркистон шаҳрида «Ақберен» миллий санъат кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтди.

Танловда 16 тумандан сараланган иқтидорли ва санъатсевар ўқувчилар иштирок этди. Унда Тулкибош тумани таълим муассасаларидан туман босқичида ғолиб бўлган 5 нафар ўқувчи қатнашди.

Вилоят мусобақаси якунларига кўра, Тулкибош тумани шарафини ҳимоя қилган ўқувчилар ғалаба билан қайтди. Нутқ ва нотиклик танловида Абай номи мактаб-лицейининг 9-синф ўқувчиси Эльдана Жайқбек 1-урин, Ю. Гагарин номидаги УУМнинг 11-синф ўқувчиси Сағиндиқ Султан ифодали шеър ўқиш бўйича 2-урин, Т. Рискулов номидаги УУМнинг 10-синф ўқувчиси Абзал Балқибек шоирлар мушоирасида 1-уринни эгаллаб, республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Тулкибош тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИ БАРПО ЭТИЛМОҚДА



Тўлебий туманида янги ўқувчилар саройи қад ростламоқда. Айни пайтда икки қаватли баланд бинонинг ички пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

— Август ойда бошланган қурилиш ишлари белгиланган муддатда якунланиши керак. Лойиҳага ўзгартириш киритиш учун махсус техник маслаҳат ўтказиб, бинонинг талабга жавоб беришига ишонч ҳосил қилиш зарур, — деди туман раҳбари Т. Телғарев.

Тўлебий тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

ҲОКИМ ҲУЗУРИДА

Қазигурт туман ҳокими Азизхан Исмаилов ҚР Президентининг “Халқ овозини тингловчи давлат” концепциясини амалга ошириш доирасида Қақпақ ва Қизилқия қишлоқлари аҳолиси билан учрашув ўтказди.



У қонун доирасида аҳолининг савол ва таклифларига жавоб бериб, муассаса ва идоралар раҳбарларини жалб қилган ҳолда долзарб масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

Туман раҳбари фуқароларнинг муаммоси эътибордан четда қолмаслиги, шунингдек, режага мувофиқ босқичма-босқич ҳал этилишини таъкидлади.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ НАЗОРАТДА

Қазигурт туман ҳокими С. Рахимов ва Жигерген қишлоқларида аҳоли билан учрашув ўтказди.

Унда ичимли сув, обикор сув, кўчаларни ёритиш, симёғочларни алмаштириш, ишсизликни бартараф этиш, йўлларни таъмирлаш, қурилиш ва ер масалалари юзасидан саволлар берилди. Туман ҳокими саволларга атрофлича жавоб бериб, билдирилган таклифлар бўйича муассаса ва идоралар раҳбарларига кўрсатма берди.

Қазигурт тумани ҳокимининг матбуот хизмати.



ЯНА БИР ТАНЛОВ

Вилоят марказидаги “Фараб” кутубхонасида “TURKSOY” санъаткорлар танлови ўтди. Унда Тулкибош тумани таълим бўлими “Болалар санъат мактаби” ўқувчилари ҳам иштирок этиб, совринли ўринни эгаллашди.

Хусусан, кўбиз синфи ўқувчилари Назерке Елемес ва Маржан Асилқизи чолғу асбобларида ижро этиш йўналиши бўйича катта гуруҳда иштирок этиб — олий ўрин, 6-10 ёшгача бўлган болалар ўртасида Раййан Турарбек эса 2-уринни эгаллади. Устозлари Айша Айтқулова ва Назерке Қалмен иқтидорли шогирдларни тайёрлагани учун дипломлар билан тақдирландилар.

III ЧОРАК ЯКУНЛАРИГА САРҲИСОБ

Тулкибош тумани ҳокими Нуржан Изтилеуов Састўбе қишлоғида аҳоли олдига ҳисобот берди.



Тадбирда туман маслаҳати раиси ўринбосари Хамит Байсбаев, туман ҳокими ўринбосари Ербўл Урманов, кентдан сайланган маслаҳат депутати ва муассаса раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Нуржан Жақсилиқули қишлоқнинг долзарб муаммоларидан бири — ичимли сув масаласини ҳал қилиш учун “Тўраркент су” муассасасига кўрсатмалар берди.

Учрашувда туман ҳокими аҳолининг барча саволларига атрофлича жавоб берди.

ИЧИМЛИ СУВ ТИЗИМИ ЯНГИЛАНАДИ

Тулкибош тумани ҳокими Н. Изтилеуов Келтемашат қишлоғи аҳолиси билан учрашиб, жорий йилнинг 9 ойи мобайнидаги натижаларни сарҳисоб қилди.

Туман раҳбари Келтемашат аҳолисининг мурожаатларини инобатга олган ҳолда аҳоли манзилларида ичимли сув тизимини тартибга келтириш, янги қурилаётган уйларни сув, газ, электр энергияси билан таъминлашга устуворлик қаратилишини таъкидлади.

Тулкибош тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

Туркистон Қозоғистон жанубидаги қадимий хазина. Тахминан 500-йилларда Самарқанд, Бухоро ва Хивадан шимолга томон қарвон йўллари қорраҳасида пайдо бўлган бу шаҳар тарихчилар, сайёҳлар, маданият ва меъморлик ихлосмандларининг эътиборини оҳанрабодай тортмоқда. Tengritravel.kz сайти Туркистон вилояти сайёҳлик департаменти қоршидаги “Туристик ахборот маркази” ДKK Туркистон сайёҳлик маркази билан биргаликда Туркистоннинг икки ҳаёти – тикланишидан аввалги ва кейинги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.



ЯНГИ ҚИЁФАДАГИ ТУРКИСТОН: *Буюк Даштнинг янги ҳаёти*

XII асрнинг дастлабки манбаларида Шавғар тумани вилояти маркази бўлган муқаддас Туркистон Ясси номи билан учрайди. Буюк мўғул хони Менгу қароргоҳига кетаётганда Қозоғистон жанубига ташриф буюрган Арманистон қироли Гетум I ўзининг саёхатномасида шундай деб атаган. Кейинчалик, XVI асрдан бошлаб, шаҳар ҳозирги номи билан атала бошланди. XVI-XVII асрларда шу даврда Туркистон Қозоқ хонлигининг иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази ҳисобланган, муқаддам Хоразмшоҳлар, Чағатойлар, Темурийлар ва Шайбонийлар сулолаларидан бўлган Ўрта Осиё ҳукмдорларининг маъмурий маркази бўлган. Бу давр мобайнида у турли маданий аънаёларни ўзига сингдирди, уларнинг изларини бугунги кунда ҳам учратиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, XIX аср ўрталаридаги тадқиқотларда айнан Ясси-

чи Макка»сига айланди. Яссавий вафотидан сўнг Ясси қабристонида диний маданият маркази, муқаддас зиёратгоҳ ташкил топди. Маълум бўлишича, улугвор Темур биноси – Яссавий мақбараси – Шарофиддин ал Яздийнинг «Зафарнома» асарида қайд этилишича, сўфийлар жамоасининг илгари мавжуд бўлган бинолари ўрнига қурилган. Меъморчилик мажмуасининг пойдеворини ўрганган олимлар, замонавий Туркистон Ўрта Осиёдаги энг қадимий шаҳарлардан бири эканлигини қайд этишди.


Бугунги кунда, Туркистонга ташриф буюрган сайёҳлар мозий гувоҳларини ўз кўзлари билан кўришлари мумкин, булар нафақат Хожа Аҳмад Яссавийнинг таъмирдан чиқарилган мақбараси, балки ўрта асрлардаги Саврон шаҳарчасининг харабалари, Жума мас-

нингдек, диққатга сазовор жойлар барпо этилмоқда.

Диққатга сазовор жойлар чинакам шарқона дам олиш ва ҳордиқ чиқаришнинг барча аънаёларига жавоб беради. Бу ердаги Шарқ ҳаммомининг майдони 3000 квадрат метрни ташкил этади.

Марказий Осиёдаги энг йирик сайёҳлик мажмуаси – «Қарвон сарой». У ерда Буюк Ипак йўли давридан қолган савдо расталари ва ҳунармандлар дўконлари мавжуд. Амфитеатр, фитнес маркази, кинотеатр ва бошқалар ҳам мавжуд.

Эътиборни тартадиган яна бир янги бино – бу «Фараб» кутубхонаси. Бу ноёб бино бўлиб, унда нафақат нодир қўлёзмалар сақланади, балки ўқиш залларини бутун ижодкорлик ва илҳом



Туркистоннинг пайдо бўлиши билан қадимги Қозоғистон маданияти ҳақида бир томонлама кўчманчилик ҳақидаги фикрлар тўхтади, айнан бу шаҳарнинг пайдо бўлиши, унга шуҳрат келтириб, мамлакатнинг тарихий харитасидан ўрин олди. Даштда шаҳарлар борлиги маълум бўлди ва яна қандай шаҳарлар! Туркистон биёбонлар ва қадимий деҳқончилик маданияти туташган жойда тараққий этиб, кўплаб қўшни давлатлар қизиқиш билдирган.

Туркистон минтақанинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган: шаҳар XII асрда туркий сўфий Хожа Аҳмад Яссавийнинг ваъзгўйлик фаолияти минбарига, кейинроқ Шарқ мусулмонларининг «иккин-

жиди, Есим-хан, Уккоша ота ҳамда Робия Султон-Бегимнинг мақбаралари ҳамдир.

Ҳозирги Туркистон тарихидаги энг муҳим янги босқич – унинг минтақа марказига айланган ва туркий оламнинг маънавий пойтахти мақомини олгани бўлди. Бугунги кунда Туркистон бир нечта диққатга сазовор жойларга эга бўлган чекка шаҳар эмас, у ҳар томонлама доимий равишда тараққий этаётган келажак мегаполисидир. Бу ерда қурилиш ҳажми йилдан-йилга ортиб, янги ижтимоий, маданий ва спорт инфратузилмаси иншоотлари, шу-

маркази десак, муболага бўлмайди. Қаватларнинг бирида студиялар, устaxonалар ва ҳунармандчилик буюмлари сотиладиган дўконлар жойлашган бўлса, иккинчиси тадбир ёки тақдирот ўтказишингиз мумкин бўлган маскан.

Янгиланаётган ва ёшарайётган Туркистонга келган ҳар бир сайёҳ, бугунги кунда замонавийлигининг барча кундалик ва технологик афзалликларидан фойдаланган ҳолда бу шаҳар тарихи билан танишиши мумкин. Туркистон яна туркий оламнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар учун жозибador марказга, янги қиёфадаги маънавий пойтахтга айланиб бормоқда – ва у сизни кутмоқда!

tengritravel.kz
материаллари асосида.

“СОҒЛОМ ҚОЗОҒИСТОН” ТИББИЁТ ПОЕЗДИ ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИ ОРАЛАЙДИ

2023 йил 26 апрелдан 6 декабрь оралиғида юртимизда энг яхши шифокорлар, медиаторлар, руҳиятшунос ва ҳуқуқшунослардан ташкил топган “Соғлом Қозоғистон” тиббиёт поезди” ижтимоий лойиҳаси амалга оширилмоқда.



Мақсад – юртимиз минтақаларининг олис станцияларида истиқомат қиладиган фуқароларига бепул тиббий, руҳий, ҳуқуқий ва медиатив ёрдам кўрсатиш.

“Соғлом Қозоғистон” тиббий поезди Туркистон вилоятини 4 ноябрдан бошлаб 17 санасига қадар оралайди. Ҳамюртларимиз мана шу поезддаги малакали мутахассислар – офтальмолог, ЛОР шифокори, жарроҳ, уролог, невропатолог, гинекологлардан бепул маслаҳат олиб, тиббий кўрикдан ўтишлари мумкин.

Тиббий поезднинг йўналишлари:
04.11.2023 й. – Қуншиғар – Саврон тумани, Чўрноқ аҳоли манзили;

05.11. – 06.11.2023 й. Ақшўқат – Ўтрор тумани Шайтўбе қишлоғи;
07.11.2023 й. Қарақўнир – Ўтрор тумани, Темир аҳоли манзили;
09.11.2023 й. – Шағир – Арис шаҳри;
11.11.2023 й. Бадам – Ўрдабоши тумани, Бадам аҳоли манзили;
17.11.2023 й. – Интимақ – Тулкибош тумани, Састўбе қишлоқларини оралайди.

Фуқаролар қабули: соат 09.00-18.00гача, соат 13.00-14.00да танаффус.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ – НАЗОРАТДА

Ёнилғи бекатларини газ билан таъминлаш қатъий назоратга олинди. Бу ҳақда вилоят энергетика ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Р. Сариева журналистлар билан мулоқотда маълум қилди.

Унинг айтишича, газ ишлаб чиқарувчи заводларнинг ёнилгининг вилоятга зарур миқдорда ва ўз вақтида еткази олимаганлиги туфайли сўнгги пайтда минтақада унинг таъминоти сезилган.

– 30 октябрь куни Туркистон шаҳрига 97 тонна газ етказилди. Шунингдек, қўшимча 73 тонна олиб келинади. Ҳозир Туркистон, Кентов шаҳарларида йирик газ қуйиш станцияларида газ сотилмоқда. Кентов шаҳрида айтин дамда 4 тонна газ бор. Яна қўшимча 27 тонна етказилади. Минтақадаги ёнилғи қуйиш станцияларидан суюлтирилган газ билан таъминлаш қатъий назоратда, – деди у.

Умуман вилоятнинг газга ойлик эҳтиёжи 12,5-13 минг тоннани ташкил этади. Октябр ойига ажратилгани 11052 тонна, унинг 9432 тоннаси тадбиркорлик субъектларига етказилган. 396 тонна-си газ қуйиш станцияларига етказилмоқда.

ХАЛҚАРО ТУРНИР ЎТДИ

Жетисайда эркин курашдан ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ўтди.



Тадбирнинг очилиш маросимида туман ҳокими Серик Мамитов ва спорт фахрийлари, жамоат арбоблари, Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари, туман 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Ғабит Жанаев иштирок этди.

Туркистон, Алматы ва Шимкент шаҳарлари билан бирга Тўлебий, Саригоч, Қазигўрт, Тулкибош, Чордара, Сайрам, Келес, Мақтаарал ва Жетисай туманларидан келган 400га яқин ёш полвон куч синашди.

Мусобақа якунида жамоавий ҳисобда ўзбекистонлик полвонлар совринли 3-ўринни эгалласа, 2-ўрин Жетисай туман 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби жамоасига насиб этди. Совринли 1-ўрин Жетисай туман 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабига буюрди.

Турнир сўнггида ғолиблар ва фаол иштирокчилар, ёшларни спортга қизиқтириб келаётган мураббийлар махсус диплом ва медаллар билан тақдирланди.

ЖЕТИСАЙДА ЯРМАРКА

Жетисай шаҳрининг марказий майдонида туман товар ишлаб чиқарувчилари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркасини ўтказди.

Ярмаркада туманнинг барча қишлоқларидан 30га яқин товар ишлаб чиқарувчилар тавсия қилган 20 тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор баҳосидан 10-15 фоиз арзон нархда сотилди.

Туман раҳбари мутасаддиларга келгуси ҳафтада ҳам шундай имтиёзли баҳода ярмарка ўтказишни топширди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ОГОҲ БЎЛИНГ: ФИРИБГАРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

“Қаловини топса, қор ҳам ёнади”, деган нақлни айтган авлодларимиз ишига уddaбурро, халқ ғамида ишнинг кўзини биладиган, ҳеч иложсиз ишдан ҳам самарали натижа чиқара оладиган эпчил инсонларни назарда тутиб айтишган. Бироқ ҳозирги кунда қаловини топиб, нафақат қорни, унга одамларнинг ишончи, инсоний қадриятларни ҳам қўшиб “ёндириб” юбораётган қаллоблар, фирибгарлар кун сайин кўпайиб бораётганига амин бўляпмиз. Устамонлик қилиб, нафсини қондириш мақсадида удабуролиқнинг учига чиққан, бошқа бир диндоши, замондошининг ҳаққини унинг кўзларига қулиб туриб, товламачилик йўли билан, ҳамён соҳибларининг қўллари билан шилиш найранглари ҳозирги кунда урфга айланган, замонавий маркетинг тилида айтганда ҳар қандай маҳсулотни сотиши уларнинг санъати.

Ишонувчан, содда ҳамюртларимиз афсуски, кўп. Бироқ, янада ачинарлироғи, бундайлар орасида олий маълумотлилар ҳам борлигидир. Демак, фирибгарлик, кўзбўямачилик янада замонавий қиёфага эга бўлиб бормоқда.

Алихан Базарбаевнинг шахсий уяли телефонига кўнғироқ қилишиб, ресторанга таклиф қилишди. Тиббиёт соҳасида ишлаб чиқарилаётган, кўп хасталикларда даво бўладиган, айниқса, умуртқа поғонаси, бел чурраси хасталиқларидан, ҳатто шифокорлар иштирокини талаб этмайдиган махсус тиббий ўқаловчи кресло ва шунга ўхшаш фойдали ускуналар тақдимиго таклиф қилишди, иложи бўлса, ҳамроҳ билан келиш, шахсий гувоҳномасини олишни унутмасликни огоҳлантиришди.

Ресторанга йиғилган меҳмонларни эҳтиром ва тавозелар билан қарши олишди. Уларнинг аксарияти нафақа ёшига келиб қолган, соғлиқ билан боғлиқ турли муаммоларга бот-бот дуч келаётганлар эканлиги кўзга ташланди. Янги компаниянинг маҳсулотлари, лотерея чипталари тарқатилиб, ҳар бир иштирокчига совға қилинди. Ва, тадбирнинг энг катта совғаси махсус ўқаловчи ускуна – кресло эканлигини ва унинг тиббиёт оламида ишлаб чиқарилган олимларнинг сўнгги ихтироси эканлигини ҳам алоҳида таъкидлашди. Сухандонлик улкан санъат. Рух қуввати, ишонч, йиллар бўйи азоблаб келаётган хасталиклардан фориг бўлиш нияти иштирокчиларни умидлантирди. Асл нархи 1млн. 780 минг тенгелик махсус ускуна айнан мана шу тад-

бир иштирокчилари учун 1 млн. 100 минг тенге деб белгиланганини ва мана шу чегирмадан фойдаланиш имконини шу ерда иштирок этаётган турли банкларнинг менежерлари имконият яратиб беришини эшитган меҳмонлар, ҳамёнларида нақд пул бўлмаса-да, ускунани харид қилиш учун навбатга туришди...

Меҳмонлар насияни бир зумда расмийлаштириб берган банк менежерлари, тадбир ташкилотчиларига миннатдорчиликларини билдиришиб, ускуна билан уйларига ошиқшди.

Ҳаммаси уйга келиб, ҳис-ҳаяжонлар, туйғулар босилгандан кейин, оила аъзолари билан ўтириб, “дўппини ечиб қўйиб” мушоҳада юритгандан сўнг қаловини топганлар, нафақат қорни, балки, уларнинг ҳамёнининг қулини кўкка совурганларига амин бўлишди. Оилада ёшларнинг борлиги, уларнинг ижтимоий тармоқларда фаоллиги бу вазиятга ойдинлик киритишга имкон берди. 1 млн. 780 минг тенгелик ускунанинг асл нархи 25 минг тенге эканлиги ва уни истаган пайтда интернет саҳифаси орқали харид қилиш мумкинлигини билишгани соғлигини тиклаш учун харид қилинган ускуна тўфайли чув тушганини англаган тадбир иштирокчиларининг аксарияти юрагини ушлаб қолишди. Қани энди, тадбирга таклиф қилган сертвозе ташаббускорлар, банк менежерлари уяли телефонларига жавоб беришса? “Абонент хиз-



мат доирасидан ташқарида” каби жавобни олган ускуна харидорларининг ҳолатларини тасаввур қилаверинг. ..

Хўш, бундай ҳолатда нима қилиш керак? Ҳуқуқшунос А. Сейдалиеванинг айтишича, бундай маҳсулотларни шошилиңч харид қилган ҳамюртларимиз маркетинг қурбонларидир. Одамлар турли чегирмалар, совғалар, бепул акцияларга доим ўч бўлишган. Табиийки, мушук ҳам офтобга бекорга чиқмайди, ҳар бир маҳсулот ўз нархига эга. Ва уни турли акцияларда арзон баҳода харид қилиш оддий кўзбўямачилиқдан бошқа ҳеч нарса эмас. Шундай тадбирларда аксар ҳолларда сизга умуман кераксиз бўлган маҳсулотни харид қилиш имконияти ҳам юқори.Турли атир-упа, хизматлар, ўқалаш сеансларига бепул таклиф қилаётган даллоллардан сизнинг телефон рақамингизнинг қимдан ва қаердан олишганини албатта, қизиқшингиз керак. Ва, муҳими, бундай учрашувлардан аввал, албатта оила аъзоларингиз билан маслаҳатлашиб, харид қилиш керак. Ташкилотчиларнинг ҳужжатлари билан танишиб олиш ортиқчалик қилмайди. Ҳуқуқшуноснинг айтишича, бу

тадбирга аксар катта ёшдагиларни таклиф қилишгани бежиз эмас. Агар худди шундай ҳолат рўй берса, яшаш жойига кўра истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш департаментига мурожаат қилиш керак. Харидни 14 кун мобайнида қайтариш имкониятидан фойдаланиш жоиз. Агар департамент пулни қайтариш бўйича ижобий қарор қабул қилса, истеъмолчи судга маънавий зарар ундириш мақсадида ариза бериши мумкин. Бундай ҳолат эса ҚР “Истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонунида кўзда тутилган. Агар киши бу маҳсулотни харид қилиш учун банк орқали насия расмийлаштирган бўлса, у ҳолатда судга ариза бериш жоиз.

Шундай нохуш ҳолатлар юз берса, Telegram иловасининг @tzpp_bot манзилига онлайн мурожаат қилиш имкони ҳам бор. Албатта бундай нохуш ҳолат асаб тизимимизга салбий таъсир қилиши аниқ. Унутмайлик, ҳаётимизда содир бўлаётган ҳар қандай ҳолат бизга тажриба ва сабоқ улашади.

М. САЪДУЛЛАЕВА.

Ўз бизнесини очиб, тадбиркорлик қилаётган ва шу йўл билан бой-бадавлат бўлиб, фаровон ҳаёт кечираётган кишиларни кўрганларнинг бир қисми уларга ҳавас билан қарасалар, бир қисми уйламай-нетмай ҳасад қиладилар.

Шундай юртдошларимиз ҳам борки, тақдир тақозоси билан шуғулланиб юрган ишидан воз кечишга мажбур бўлганлар ва нима қиларини билмай ўз касби ва ихтисоси бўйича иш қидириб, оилаб, йиллаб ёлланиб ишлаш учун бир ташкилотдан иккинчисига, бир идорадан бошқасига кириб-чиқиб юраверадилар. Вақтини, умрини, билим ва иқтидорини беҳудага сарфлаётган инсонлар ўз бизнесларини очиш ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Чунки улар ишбилармон бўлиш учун катта миқдорда пул зарур, деган хато фикрга астойдил ишонадилар.

«Ўз бизнесини очиш, тадбиркорлик учун нималар даркор?» деган савол кўпчиликни қизиқтиради. Жаҳоннинг барча мамлакатларида орттирилган тажрибага суяниб айтиш мумкинки, бизнесни

ИШБИЛАРМОНЛИК УЧУН НИМАЛАР КЕРАК?



ташкил этиш учун уч восита: ақлли инсон, пул маблағи ва мол-мулк зарур бўлади. Хўш, буларнинг ичидан энг зарурроғи нима, деган ҳақли савол туғилади.

Айримлар бизнесни бошлаш учун аввало пул зарур, пул бўлмаса овора бўлишнинг ҳожати йўқ, десалар, бошқалари аввало мол-мулк керак, деб кишининг кўнглини чўқтиради.

Бу борада бизнинг фикримиз шундай – тадбиркор бўлиш учун энг аввало, эсли, ҳушли инсон бўлмоқ жоиз. Ақл-идроқли, соғлом фикр юритадиган, соф виждонли киши бизнесчи бўлишни иста-са, албатта, муродига етади. Оллоҳ берган буюк неъмат – онг тўфайли тез орада ишлаб пул ҳам топади, мол-мулкни ҳам кўпайтириб олади. Ўзи оиласи билан тўқ ва фаровон

ҳаёт кечириб, даромадидан ҳалоллик билан солиқ тўлайди ва шу сабабдан мамлакатимиз иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатади, эл-юртда обрў ва эътибор қозонади.

Ер юзидаги барча гўзал шаҳарлардаги муҳташам бинолар, кўркам обидалар, гўзал бог-роғлар айни ўз бизнесига эга бўлган инсонлар томонидан бунёд этилган ва келажак авлодларга мерос қилиб қолдирилган.

Агар жамғариб қўйган пулингиз, йиғиб қўйган давлатнингиз бўлмаса, асло афсусланманг. «Бош омон бўлса, дўппи топилади», деган халқ мақолини унутманг. Мабодо, эс-ҳушингиз жойида эканлигига шубҳа қилмасангиз, чиндан ҳам тадбиркор сифатида фаолият бошламоқчи бўлсангиз, истакларингиз рўёбга чиқишини истасангиз, бошламоқчи бўлган фаолиятингиз борасида бош ғояни топинг.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ.

»» Брифинг



РЕЖАЛАР БИСЁР

Жетисай туманида 9 ойда 102,1 миллиард тенгелик минтақавий маҳсулот етиштирилди. Бу ҳақда Жетисай тумани ҳокими Серик Мамитов маълум қилди.



– Туманда кичик ва ўрта бизнес ривожланмоқда. Бунинг учун –ҳокимлик томонидан барча шароитлар яратилган. 9 ой давомида асосий капиталга 16,6 миллиард тенге сармоя жалб қилинди. Бу ўтган йилга нисбатан 2 баравар кўп. Шунингдек, ўзбекистонлик сармоядор билан биргаликда тўқимачилик фабрикасини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун Асиқ ота қишлоғида 5 гектар ер майдони ажратилиб, “TST GROUP” қўшма компанияси ташкил этилди. Туманда қишлоқ хўжалиги юксак салоҳиятга эга, – деди С. Мамитов.



Шунингдек, Жетисай туманидаги долзарб бўлган ободонлаштириш, ичимли сув, газ, электр таъминоти тадбирлари режа асосида амалга оширилмоқда. “Меҳнат” дастури доирасида 10 327 киши иш билан таъминланиб, режа 108,8 фоиз амалга оширилди. 300 ўринли мактаб барпо этилмоқда. Барча иншоотларни йил охиригача фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Майсара САФАРОВА.

УСТОЗ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Жетисай тумани маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг “Жетисай спорт клуби” ДKK ва Ислам Пирназаровнинг шогирдлари Жетисай шаҳрида 2007-2008 йилларда тугилган қизлар ўртасида волейбол бўйича минтақавий турнир ўтказди.

Тадбирнинг очилиш маросимида Жетисай туман ҳокими ўринбосари Серик Пиримбеков, Жетисай тумани маданият, тилларни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт бўлими раҳбари Еркебулан Сейдалиев, “Жетисай спорт клуби” директори Таласхон Битуреев спортчиларга омад тиллашди.

Устоз И. Пирназаров хотирасига бағишланган вилоят мусобақасида Туркистон вилоятининг барча туманлари ва Шимкент шаҳридан 16



жамоадан 250 нафарга яқин спортчи иштирок этди.

Мусобақа натижаларига кўра, тўртинчи ўринни Мақтаарал тумани, учинчи ўринни Қазигўрт тумани терма

жамоаси, иккинчи ўринни Ўтрор тумани футболчилари эгаллади. Совринли биринчи ўринни Жетисай туманидаги “Жетисай спорт клуби” кўлга киритди. Фолиблар пул муко-

фотлари, медаллар ва ташкилотчиларнинг дипломлари билан тақдирландилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ҚРда 6 мингга яқин оила «Аңсаған саби» лойиҳаси ёрдамида фарзандли бўлишди.

» Газетхон хонадон — жамият кўрки

Ўқтам Дадаматов 1 Мамир қишлоғида дунёга келган. Мактабни, сўнг Шимкентдаги кимё-технология институтини тамомлаб, тегирмонда, “Биркөлік” оромгоҳида меҳнат қилди, асаларичилик билан шуғулланди.

— Болалик пайтимизда қишлоқда эрта тондан ҳаёт қайнарди. Кун ҳовли ва кўчани тозалаш, тартибга келтиришдан бошланарди. Бир-бирини танимайдиган одам кам эди. Баҳор чоғида табиат уйғониб, унинг ўзгача гашти, файзи бўларди. Ҳаво мусаффо, ариқлардан тўлиб-тошиб тоза сув оқарди. Уша пайтлари қишлоқнинг табиати кўркем, боғ-роғлар билан ўралган бўлиб, ўрик, олма, нок, шафтоли, гилосларнинг гули атрофни янада яшнатиб турарди. Эрталаб, отамиз ишга кетаётиб, бир дунё ишларни топшириб кетарди, бажарардик, — эслайди отахон. — Қандайдир ғайрат-шижоат, кучқувват қўйилгандай эди шу пайтларда бизнинг билаларимизга. Қош қорайгунча тиним билмай ишлардик. Ҳозирги болаларда шу ғайрат-шижоатнинг бир қисмини ҳам кўрмаймиз. Нега? Чунки, болаларимизни иссиқхонада ўсаётган кўчатдай асраб-авайлаямиз. Қор ёғадиган бўлса, биз, болалар навбатма-навбат кураб, ҳовли ва кўчани тозалаб кўярдик. Ҳозир, эътибор берган бўлсангиз, уйланган болалари уйда ухлаб ётадию, ёши бир жойга бориб қолган ота қор кураб юради. Ерни ҳам ўзлари тайёрлаб, экин қишади, болаларининг мол билан ҳам иши йўқ. Чунки, тарбия амалда эмас, сўзда бўлган, холос.

— Ота-онангиз, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз...

— Падали бузрукворим Султонқул Дадамат ўғли 1920 йилда туғилган, ҳарбий учувчи бўлган. Захирага чиққач, Киров номли мактабда география фанидан дарс берган. Онамиз Мукарама Расулматова бошланғич синф ўқитувачиси эди. Биз, болаларга кўпроқ китоб ўқишни топширарди. Бадий адабиётга ошно бўлиб, газета ва журналларни ҳам орзиқиб кутардик. Асарлар қаҳрамонларига ҳавас қилардик. Улар каби, улардан яхшироқ бўлишга ҳаракат қилардик. Улар ёшларга ибрат эди. Олти фарзанд — камина, Рустам,

ҚўЛЛАРИ ҚАДОҚ, ҚАДРИ БАЛАНД...

Муҳтарам, Мухтабар, Мавжуда, Гулбаҳорларни муносиб тарбиялашди. Турмуш ўртоғим Умрихон Ленгер шахридаги тўқимачилик фабрикасида ишлаган. Фарзандларимиз Бахтиёр, Дилором, Дониёр, Шухрат, Ирода ҳаётда ўз ўрнини топишган. Болалик йилларимда, эсимда, кўп уйларнинг бўғотида қалдирғочлар ин кўярди. Ҳозир бу камдан-кам учрайдиган ҳол. Отамдан қолган ҳовлимиз узра хотирамда ин қурган қалдирғочларим парвоз қилади.

— Бир вақтлар сизнинг томорқангиз туманда танилиб, тажриба алмашиш майдони бўлган, давлатга сўт топширишда ҳам илғорлардан бўлгансиз. Демак, чорвачилик илмини ҳам эгаллагансиз?

— У пайтларда аҳолига берилган ер майдони катта эди. Зарур озуқаларни ўзим етиштириб, чорва молларини тўғри озиқлантиришни йўлга қўйган эдим. Моллар ҳам зотдор эди. Шулар туфайли соғин сигирларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори эди.

Бир илмий китобда ёзилишича, Америкадаги қишлоқда қорамоллар орасида туберкулёз эпидемияси тарқалибди. Ҳеч қандай дори қор қилмабди. Олимлар фермерларга касал молларни бошқа табиий ййловга олиб бориб ёйишни тавсия қилишибди. Кўп ўтмай моллар тузалиб кетибди ва эпидемия тўхтабди. Аниқланишича, сунъий ййовларда қорамоллар учун зарур бўлган микроонсурлар етишмаган экан. Одамларнинг овқатланишида бу қонунийлик мавжуд. Шаҳарда яшаётган бир оилада тўрт фарзанднинг касалдан боши чиқмади. Шифокорлар уларга қишлоқда яшашни тавсия қилишди. Улар она қишлоғига кўчиб боришди ва шундан буён болалари бIRON марта ҳам касал бўлмади.

Ота-боболаримиз мевали дарахтларга, айниқса, ўрикни қўпайтиришга азалдан катта эътибор қаратишган. Илгарилари ўнлаб ўрик навлари бўлиб, кўплаб ўрикзорлар барпо этилган. Қишлоқда ҳар бир кишининг томор-

қасида ўнлаб ўрик дарахти бўларди. Чунки, улар ўрик мевасининг тўйимли, киши соғлигини мустаҳкамлашда энг фойдали ва доривор озуқа эканлигини яхши билишган. Уруш йиллари ва ундан олдин одамлар ўрик мевасини кўп истеъмол қилганлари учун юрак ва қон-томир касалликларига жуда кам учраганлар. Бир ҳамқишлоғим 70-йилларда Япониянинг Токио шаҳрига сафарга борганида юраги огриб қолади. Ҳамроҳини дорихонага юборади. У олиб келган дори қутисини очиб кўрса, 8-10та қурилган ўрик бор экан... Шуни қайд этиш керакки, бизнинг иқлим шароитида ўрик дарахти яхши ўсади. Иссиққа, совуққа, сувсизликка чидамли, кам меҳнат талаб қилади.

— Ҳозирги ёшларга ўлкамиз табиати илгари шундай эди десак, уларнинг тасаввурида бундай таъриф бироз бўрттирилгандек туюлади. Чунки, улар баҳор ойларида далага чиқишса, ҳайдаб ташланган қорамтир шудгорни-ю, зараркунанда қарга ёки майна каби қушларни кўришади, холос. Нима учун тирик табиат қисқа муддатда бунчалик инкирозга учради?

— Бунинг асл илдизи турғунлик йилларида бошланган. Экин майдонларини кенгайтириш баҳонасида мевазор боғлар, тоқзорлар кўпориб ташланди. Ҳар хил ҳайвонлар яшаши, ўсимликлар ўсиши учун қулай бўлган бутазорлар, чакалакзорлар текислаб юборилди. Ҳозир ҳам баъзи жойларда қурилиш баҳонасида айрим “зўравонлар” тап тортмай ўз манфаатларини кўзлаб дарахтларни қирқиб юборишади. Улар бу боғларни барпо этишда қанча меҳнат, ҳаражат сарф бўлганлигини, келгусида бу боғлар одамларга фойда етказишини ўйлаб ҳам кўришмайди. Ҳолбуки, бундай нохуш ҳолатлар ҳақида радио, телевизор, газеталар орқали қанча эшиттиришлар берилган ва берилмоқда. Қишлоғимизда катта истироҳат боғи мавжуд эди. Ундаги дарахтлар мустақиллик йилларида



қирқилиб кетди. Алишер Навоий қишлоғида республикага донғи кетган боғ бўларди, ундаги дарахтлар ҳам ўтин бўлди, ўрнини уй-жой мавзеси эгаллади.

— Узум етиштиришдаги тажрибангиз билан ўртоқлашсангиз...

— Қишлоқ аҳолиси қадимдан узумчилик соҳасига ҳам катта эътибор қаратган. Чунки, узум жуда сифатли, озуқабоп, мевасини эса ҳўл ва қуруқ ҳолда йил бўйи истеъмол қилиш мумкин. Токни экиш, кесиш, парвариш қилиш, қишнинг қаттиқ совуғидан муҳофаза қилиш каби агротехник қоидаларни аждодларимиз яхши билишган. Илгари деярли барчанинг томорқасида бир неча жўяк (имкониятига қараб) тоқлар мавжуд бўлган. Бундан ташқари 40-50-йилларда жамоа ҳўжаликларида алоҳида боғлар ҳам кўп эди. Ўсимликнинг вегетация даврида (яъни баҳор, ёз ойларида) тоқзорлар бирор марта ҳам суғорилмасдан, ундан юқори ҳосил олинган. Бунинг учун, авваламбор, ток кўчатлари 1-1,5 метр чуқур экилган, ҳар баҳорда ток кундаларига ишлов берилганда юқоридаги илди-лари кесиб ташланиб, энг чуқурдаги йирик илди-лари қолдирилган, яъни пастдаги илди-лари чуқурга кетиб, ер остидаги намликдан озиқлантирилган.

Юзаки илди-лари кесиб ташланганлиги сабабли ривожланмаган. Боиси, агар юзаки илди-ларигина қолдирилса, чуқурдаги илди-лари ривожланмайди. Ёз ойларида сув танқис бўлганлиги боис тоқларни суғориш имкони бўлмайди, ток қуриб қолиши мумкин.

— Газетхонларга тилақларингиз...

— “Жанубий Қозоғистон” газетасининг ҳар бир сонини интиқиб кутамиз. Сўнгги пайтлардаги ўзгаришлардан мамнунмиз. Газетада тарихимизга оид мақолалар кўпроқ берилса. Бунинг учун газетхонларнинг ҳам сайёҳаракатлари зарур. Ҳар бир қишлоқдан бир одам ўз қишлоғи тарихини ёзса, ўлкамизнинг аjoyиб солномаси яратиларди. Бу ёшларимиз учун муҳим. Чунки, она қишлоғимиз ўтмиши, унинг беназир, азиз кишиларини билишимиз шарт. Қишлоққа ихлос-эътиқодини фарзандларимиз қалбига сингдиришимиз лозим. Боиси киндик қони тўкилган заминни, аждодларининг мерос ва анъаналарини билмаган одамдан юрт равнақи, эл қорига камарбаста инсон чиқиши мушкул.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур!

С. МИРЗО.

Тўлебий туман ички сиёсат бўлими ташкил этган «Дин — тотувлик гарови» мавзусидаги семинарда қишлоқ ҳокимлари, имомлари ва бийлари, шунингдек, диншунослик фани ўқитувчилари, оқсоқоллар ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда маъруза қилган туманинг бош имоми Самат Анарбаев диний вазиятни янада соғломлаштириш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маъруза қилди.

У анъанавий тарзда ўтказилаётган мазкур анжуман диний ташкилотлар ва этнома-

ДИН — ТОТУВЛИК ГАРОВИ

қидлаганидек, “Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди. Этник сабр-тоқат, бағрикенглик ҳаёт бўронларидан омон қолиш ва ривожланиш учун зарур табиий меъёрларга айлан-ди. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда турли динларга мансуб қадриятларни асраб-авайлашга, барча фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни



раро тотувлик, ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик масалалари кенг ёритилган. Қуръони Карим ўзидан олдинги муқаддас китоблар Забур, Таврот, Инжилларни тан олишга, аҳли китобларни, яъни, бошқа дин вакилларини ҳурмат қилишга қақиради. Одамларни ўзаро меҳр-муҳаббат, ҳамкорликка қақариб, фитна, нифоқ ва низоларнинг ҳар қандай кўринишини енгиб ўтишга даъват этади.Бундан ташқари, Қуръони Каримда бошқа дин вакилларининг ибодатхоналари — монастырь, бутхона ва синагогаларга ҳурмат билан қарашга буюрилган.

Динимизнинг эзгу қадриятларини тараннум этиш мақсадида ташкил этилган мазкур ййгилишда туман ҳокими ўринбосари Сержан Дуйсебаев, туман маслаҳати раиси Нурул Қўйбағаров, Туркистон вилояти вакил имом-хатиби Ержан Тўлеповлар ёшларни иймон-эътиқод, биродарлик, одоб-ахлоқ, ота-онага ҳурмат, миллий қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш ҳақида маъруза қилишди.

Диний барқарорликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган бир гуруҳ фуқаролар Диний бошқарманинг ташаккурнома-лари билан тақдирланди.

Семинар-тренингда видео-саҳналар намойиш этилиб, соҳа вакиллари иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

Б. РЎЗИМАТОВА.



БИРЛИК ҲИҚМАТИ

— Отам Абайнинг «Насиҳатлар» китобини кўп ўқирди, — дейди суҳбатдошимиз Давронбек Пирназаров. — Бизга ҳам ўқиб берарди. Айниқса, буюк шоирнинг қуйидаги сўзлари мен ва укаларим қалбига муҳрланиб, умримиз шориғига айланди. “Дўст бўламан деган киши таъмагарчилик қилмаса, тинч-тотув яшаса, туз-насибасини Худодан тилаши керак. Баъзилар бир-бирига бало излайди, бир-бирини алдашнинг пайига тушади. Хўш, шу ҳам бирлик бўлдики энди?” деган сўзларини ёддан биларди.

Биз мактабдан сўнг отамга ёрдамлашардик. Уйимиздан меҳмон аримасди. Дадамнинг фронтдош дўсти бўларди, Иван Фёдорович уйимизга келиб турар, ҳар келганида икки-уч кун меҳмон бўларди. Отам ҳар сафар келганида унга қуруқ чой, этик, яна қандайдир кийимлар бериб юборарди, у икки-уч қоп қўй юнгини олиб келарди. Ойим улардан бизга иссиқ кийим, пайпоқ тўқиб берарди.

Дадам бизни эркалаганини эслай олмайман. Ойим эркаламоқчи бўлса, дарров тўхта-тарди:

— Болаларни аввал сен эмас, кўча мактасин. Кейин сен макта.

Баъзида бошимизни силаб кўярди. Шунинг ўзи биз учун

катта бахт эди. Отам кўп китоб ўқирди. Қишлоқ кутубхонасидаги бадий китобларни деярли ҳаммасини ўқиб чиқди. 90 йил умр кўрди.

Шу кунларда Қариялар уйи тўлиб кетган, деб эшитяпман. Бундай хабарлар қулоғимга ханжардай ботади. Мен ўзимни отамга муносиб ўғил бўла олдим, деб ҳисобламайман, лекин отага тик қараш, онага зарда қилиш гуноҳлигини доимо ҳис қилганман. Отамнинг бир китобида ўқиганим эсимда: «Бир мўмин-мусулмон инсоннинг мусулмон ота-онаси бўлса, уларга яхшилик қилиб, унинг савобини кутган ҳолда тонг оттирган бўлса, Аллоҳ субҳанаху ва таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади. Агар фақат бири бўлса — битта эшик очади». Ҳадиси шарифда “Ота-онасини тириклик вақтида рози қилмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин”, дейилган.

— Дўстларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Ҳаётим мобайнида кўп дўстлар, улфатлар орттирдим. Улар яхши кунимда ҳам, аксида ҳам ёнимда бўлди. Лекин отам ва Иван Фёдоровичдек дўст одамни умримда учратмаганман.

Ш. ОКТЯБРОВА.



даният бирлашмалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи ва кенг дунёқарашга эга ватанларвар ёшларни тарбиялаш, диний экстремизм ва халқаро терроризм, миллатчилик каби таҳдидларга қарши ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида ўтказилаётганини таъкидлашди.

— Юртимиз қадимдан турли маданият, тил, урф-одат, турмуш тарзига эга бўлган, хилма-хил динларга эътиқод қилувчи ва бир-бирига ўхшаш бўлмаган турли халқлар, этнослар яшаб келаётган заминдир, — деди С. Анарбаев. — Давлатимиз раҳбари таъ-

яратиб беришга, динлар ва этнослараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, улар ўртасида қадимий муштарак анъаналарни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Конституциямизда “Қозоғистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъиназар, қонун олдида тенгдирлар”, деб белгилаб қўйилганлиги, кўп этносли халқимиз ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш учун яратилган заминдир.

Нотик ЮНЕСКО Бош кон-

ференциясининг 1995 йил 16 ноябрдаги 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари тўғрисида”ги Декларация қабул қилингани ва шу кундан эътиборан 16 ноябрь санаси Халқаро бағрикенглик куни сифатида бутун дунёда, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам кенг нишонланаётганини таъкидлади.

— Бағрикенгликдан кўзланган мақсад инсониятни тинчлик ва оқсоқаликни сақлашга ундашдир, — деди у. — Мазкур декларацияда таъкидланганидек: “Бағрикенглик бўлмаса тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди”.

Қуръони Каримнинг бир неча оятларида миллатла-

»» Ҳаёт сўқмоқларида



ОЛИСДАН ОТА ЮРТИГА КЕЛГАН ГУЛНОРА

Доимий обуначимиз, меҳнат фахрийси Дониш Маннотов ҳамқишлоқларининг илтимосига кўра, тахририятга мурожаат қилди. Эски Иқонда туғилиб, Украинада вояга етган, қариндошларини кидириб келган 54 ёшдаги Гулнора Эргаш қизи ҳақида мақола тайёрлаш учун ушбу қишлоқдаги Мулла Тожи кўчаси, 6-хонадонга ташриф буюрдим.

нора деб исм қўйишади. Иқлим тўғри келмаганлиги боис украиналик келин чақалоғи Гулнорани олиб, 1971 йили ўз юртига қайтиб кетишга мажбур бўлади. Ҳаёт давом этади. Эргаш Эшбоев жисмоний тарбия бўйича ўқув юртини тамомлаб, Иқон қишлоғида меҳнат қилади. Оила қуриб, фарзандлар кўради. Олтимш ёшида оламдан ўтади...

Эргаш Эшбоевнинг Укра-



йин Тошкент орқали Шимкент шаҳридан Эски Иқон қишлоғига етиб келади. Қозоғистон чегарасида Гулнорани амакиси Йўлдош Эшбоев кутиб олади. Гулнора Иқон қишлоғида отаси дафн этилган қабрини қучиб, йиғлаганида беихтиёр ҳамманинг миждасига ёш келди.

Сухбат чоғида украиналик Гулнора ота юртида қариндош-уруғлар билан дийдорлашиб, танишганидан бағоят хурсанд бўлди. Жаҳонда, хусусан Украинада ҳарбий ҳаракатлар тугаб, тинчлик қарор топишни мезбон ҳам, меҳмонлар ҳам Яратгандан сўраб, биргаликда дуо қилдик. Маҳаллий урф-одат, маданият, табиийки, меҳмонда улкан таассуротлар қолдирган.

— Энди Иқондаги қариндошларим, опа, ака-укаларим билан борди-келдини йўлга қўямиз, — деди украиналик меҳмон ҳаяжон ила.

Холис ниятлар ижобатини берсин.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: дийдорлашув лаҳзалари; тарихий сурат; Гулнора Эргаш қизи.

Муаллиф тасвирлари.



Тарихий сурат

Отахонлар Равшан Муҳамедов, Йўлдош Эшбоевлар 1969 йили Иқонда туғилган, Украинадан ота юртини қўмсаб келган Гулнора Эргаш қизи Аккерманни таништиришди. Хонадон соҳиблари Баҳодир Эргаш ўғли ва Фарид Эшбоевалар билан биргаликда украиналик меҳмонни тасвирга олди.

... Утган асрининг олтимшинчи йиллари охирида Совет Армияси сафида йигитлик бурчини Украинада ўтаган Эргаш Эшбоев қадрдон Эски Иқон қишлоғига суюкли ёри Вера билан бирга келади. Тўйдан сўнг 1969 йили фарзанд туғилиб, ширин орзулар билан Гул-

нага қайтган умр йўлдоши Вера ҳам оила қуриб, фарзанд кўради. Оламдан ўтишидан аввал қизи Гулнорага Қозоғистоннинг Эски Иқон қишлоғи — ота юртини зиёрат қилишни васият қилади. Гулнора Эргаш қизи Украинанинг Харьков вилоятига қарашли Чугуев шаҳрида вояга етиб, техникумни тамомлаган. Ўзи туғилган ота юртини кўриш, қариндошлар билан дийдорлашиш истағида сафарга отланади. Ҳарбий операция давом этаётган Украинадан сафарга чиқиш осон иш эмас. Икки кеча-кундуз йўл босиб, дастлаб Польшанинг Краков шаҳри, сўнг тайёрада Туркиянинг Анталия шаҳри, ке-

»» Обуначиларимиз орасида

БОТИР АЙТГАНДА ҚЎШИҚ



Туркий оламининг маънавий пойтахти Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги санъаткорлар уюшмаси сардори бўлиб сайланган истеъдодли ҳофиз, шеърларимдан қўшиқ яратган қадрдон, камтарин дўстим Ботир Тўрахоновга атаб шеър битдим.

Мен Қўшқўрғон қишлоғида “Жанубий Қозоғистон” газетаси обунасига 10 нусха билан улуш қўшаётган бўлсам, Ботир дўстим ҳам шу савоби ишдан ўрнат олиб, она тилимиздаги наш равнақига камарбаста бўлаётганлиги нур устига нур.

Шеърим эътиборингизга ҳавола.

*Сўзлари бирам илиқ,
Товуши жуда тиниқ,
Дам олар, чиқар ҳордиқ,
Ботир айтганда қўшиқ.*

*Чулғаб олар одамни,
Мафтун этар оламни.
Унутар дарди-ғамни,
Ботир айтганда қўшиқ.*

*Қўшиғи зўр бўлади,
Эшитганлар билади.
Булбуллар жўр бўлади,
Ботир айтганда қўшиқ.*

*Ошуқ-маъшуқ қизлари,
Рақсага тушар бари.
Жам турмас ёшу қари,
Ботир айтганда қўшиқ.*

*Овози кўп жарангдор,
Чалганда у рубоб-тор.*

*Айтар йиғлатиб ёр-ёр,
Ботир айтганда қўшиқ.*

*Қўшиғида насиҳат,
Ота-онага ҳурмат.
Сўзларида бор ибрат,
Ботир айтганда қўшиқ.*

*Омон бўл, Ботир дўстим,
Шеъримга сени қўшдим.
Туролмадим қараб жим,
Қўшиқ айтганда дўстим.*

Поччахон БОБОЖОНОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

Тасвирда: Поччахон Бобо-
жонов, Ботир Тўрахонов ва
Бахтжон Поччахон ўғли.

Р. МАДАЛИЕВ
суратга олган.

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ МУШТАРАК ТАРИХИМИЗ

Туркистон шаҳар ҳокимлиги биносидagi махсус стенда мамлакатимиз мустақиллиги йилларида туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳрига ҳокимлик қилган шахсларнинг исм-шарифи ёзилиб, суратлари акс эттирилган.



Вилоят ҳокимлиги ижтимоий тараққиёт бошқармаси раҳбари Ерлан Кузембаев, шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари Замир Муҳаммадҷонов ҳамда “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти саъй-ҳаракатлари билан унда шаҳарнинг биринчи ҳокими Бахтиёр Қодирбековнинг сурати ҳам акс эттирилиб, исми-шарифи ёзилди.



Эндиликда шаҳарни бошқарган ва бошқараётган жами 13 ҳокимнинг барчаси ушбу стенда жамулжам бўлди. Газетамиз саҳифаларида вилоятимиз банк ва сугурта соҳасида самарали меҳнат қилаётган Раъно Мамадиёр қизи Қодирбекова жамоаси фаолиятига бағишланган мақолалар эълон қилинган. Жорий йилги обуна мавсумида Қодирбековлар сулоласидан фаоллик кутамиз.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: шаҳар ҳокимлигидаги Туркистон ҳокимлари стeнди; Р. Қодирбекова (чапда) ҳамкасблари билан

Муаллиф суратга олган.

БУЮК ОРЗУЛАР ШОИРИ

Манкент қишлоқ кутубхонасида қозоқ адабиётининг ёрқин вакили, атоқли педагог, шоир Султанмахмуд Тўрайғиров таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан “Буюк орзулар шоири” мавзuida адабий кеча ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад — Султанмахмуд Тўрайғиров ижодини китобхонлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш эди.

“Манкент” қишлоқ маданият уйи директори Алишер Султонниёзов тадбирни очиб, С. Раҳи-


мов номидаги умумий ўрта таълим мактабининг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилбар Давлатова шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди.

Ўқувчилар С. Тўрайғиров шеърларини ёддан ўқишди. Тадбир сўнггида кутубхоначи Азиза Султонкулова “Эҳтиросли орзулар шоири” деб номланган китоб кўргазмаси билан таништириб, иштирокчиларга саволлар билан мурожаат қилди. Ҳозиржавоб ўқувчилар совғалар билан тақдирланди.

З. МҮМИНЖОНОВ.
Сайрам тумани.

ЯХШИЛАРНИ АСРАНГ, ЯХШИЛАР

Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, собиқ туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари, олий тоифали шифокор Баҳодир Ҳабибуллаевнинг оламдан ўтганига бир йил бўлди.



Нафақага чиққач, ҳаётининг сўнггига қадар эл қорига камарбаста бўлиб, ХҚТУ қошидаги тиббиёт клиникасида кўз шифокори сифатида самарали меҳнат қилди, беморларни давола-

ди. Она тилимиз, маданият, маърифат, матбуот фидойиси эди. Шифокор дўсти Олимжон Дуржонбоевнинг энг сўнгги шеърлари китобини чоп эттиргани, кўп бора иқтидорли ёш шоирларни қўллаб-қувватлаганининг гувоҳи бўлганмиз. “Жанубий Қозоғистон” газетасининг садоқатли муштарийси эди. Саломатлиги панд берса ҳам “Жанубий Қозоғистон” — ҳар бир хонадонга! тадбирида иштирок этиб, делегация таркибига “Туркистон — Шимкент — Сайрам — Арслонбоб” зиёратгоҳларига бориб келди. Вафотидан бир неча кун аввал оқшом чоғи мақола устида иш-лаётганимда менга кўнғироқ қилди. Одатдагидан анча кўп суҳбатлашдик. Баҳодир ака ишларимга, оиламга, газетамиз равнақига омад тилаб, ҳожи сифатида дуолар қилди... Ҳайрон бўлдим.

Республика байрами куни Баҳодир аканинг уяли телефонидан ўғли Баҳром кўнғироқ қилиб, бомдод намоз ибодати чоғида мия қон томири ёрилиб, шифохонанинг жонлантириш бўлимига жойлаштирилганлигини хабар қилди... Охиратлари обод бўлсин.

Ҳаёт чоғида Баҳодир ака машҳур ҳофиз Ортиқ Отажоновнинг “Яхшиларни асранг, яхшилар!” қўшиғи ҳақида мароқ ила гапириб бергани ёдимда...

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: обуначиларимиз Ш. Юсупов, Б. Ҳабибуллаев, Ф. Абдуллаевлар Арслонбоб зиёратгоҳида.

Муаллиф суратга олган.

»» Мулоҳаза

ФОТИҲА

Қишлоқда расм бор: олти-етти ой, ҳатто бир йилдан кейин борсангиз ҳам бу орада вафот этган таниш-билишларга фотиҳа ўқиб, оила аъзоларига таъзия билдиришингиз керак.

Қишлоққа бир борганимда, бизнинг сой маҳалладан ёш бир йигит вафот этганини айтиб қолишди. Мўсафид амаким ва ўқитувчи жияним билан марҳумга фотиҳа ўқигани бордик.

Мен марҳумни болалигидан танирдим. У эри фронтда ҳалок бўлган, муштипар бир беванинг ёлғиз ўғли эди.

Йигит армия сафида уч йил хизмат қилиб, у ердан яшигина монтер бўлиб, рус қизига уйланиб қайтган, лекин кўп ўтмай, тўғон қурилишида ток уриб ўлган эди.

Бу воқеа мен боришдан қарий бир йил аввал содир бўлган, бу орада келин ҳам Россияга кетиб қолган эди.

Муштипар она қизининг уйига қўчиб ўтган экан, бизни куёв бола бўлса керак, олифталар-

ча кийинган, ёш, қувноқ бир йигит қарши олди ва деразалари тоққа қараган катта чорси хонага бошлаб кирди. Уйнинг тўрида, бошида кўк доқа рўмол, озгингина бир хотин кўрпа қавиб ўтирарди. Биз киришимиз билан аёл ўрнидан турди ва рўмолини юзига тортганича четлаб юриб, тоғ томондаги ичкариги уйга кириб кетди.

Амаким фотиҳа ўқиди. Кейин дастурхон ёзилди. Чой устида гап-сўз, ҳар хил хангома-лар. Куёв бола ҳам хушчақчақ йигит экан, у ёқ-бу ёқдан гапириб, қулдириб ўтирди. Ниҳоят, бир-икки пиёла чой ичилгач, қўзғалдик.

Биз ҳовлига чиқиб, кўчага бурилганимизда қаердандир орқадан, боғ томондаги уйдан, ҳазин бир куй қулоғимга чалингандай бўлди. Беихтиёр қадамимни секинлатдим аъзойи баданим қақшаб кетди. Мен куй, деб ўйлаган товуш қуй эмас, она йиғиси эди!..

Она секин, гўё биздан ий-

мангандай, гўё хушчақчақ куёв боласи эшитиб қолишдан қўрққандай, оҳиста йўқлаб, нималарнидир айтиб йиғларди. Унинг сўзларини тушуниб бўлмас, лекин нима деяётганини ҳазин куйдай мунгли овози ўзи айтиб турар, у кимгадир зорланар, фарёд чекар, нола қилар эди.

Нега биз бу останага келдик? Нега муштипар онанинг битмаган ярасини қайта тирнадик? Нега дастурхон устида гурунглашиб ўтирдик, ҳиринглашиб қулишдик? Ахир биз учун у йигитнинг ўлганига бир йил ўтган бўлса ўтгандир, лекин она-чи? Она учун ўғлининг ўчмас сиймоси кўз олдида ҳа-нузгача тургандир, ахир?

Шу-шу бирор жойга фотиҳага борсам, бўлачақ мунга, қандайдир юксак мусиба, овуңчиси нолага тўла ўша товуш эсимга тушади. Бу товуш бировларнинг мусибатини чуқурроқ ҳис қилишга, сукут сақлашга даъват этади.

ОДИЛ ЁҚУБОВ.

»» Обуна-2024

МАЪНАВИЯТГА ДАЪВАТ

Кўп миллатли Қозоғистоннинг мустақиллиги билан тенгдош «Жанубий Қозоғистон» газетасини илк сонидан эътиборан 32 йил мобайнида ўқиб келаётган эътиқодли муштарийман. Собиржон Юсуфалиев (марҳум) илк раҳбари бўлган жамоага бугунги кунда туркистонлик тажрибали журналист Райимжон Алибоев самарали бошчилик қилмоқда. Турли мавзулар бўйича мурожаатларимиз мухбир Шомирза Мадалиев томонидан ҳақиқат ижобий ҳал қилиниб келаётганини мамнуният ила таъкидлашимиз жоиз.



Хусусан, йўл-транспорт ҳодисалари кўп содир бўладиган гавжум чорраҳага кузатув камерасини ўрнатиш, ҳомийларни жалб этиб, М. Аюзов номи мактаб ҳовлисини асфальтлаш, мебель корхонасидан маҳсус – стенд тайёрлаш, улкан йўлдан Қўшқўрғон қишлоғига бурилишда йўл кўрсаткичини ўрнатиш каби кўламдор ишлар шулар жумласидан.

Газета ҳар бир юртдошимиз хонадонига давлатимизнинг тинчлик, ҳамкорлик сиёсати ва она тилимиз равнақи учун жуда муҳим. «Жанубий Қозоғистон» – ҳар бир хонадонга! ширини кўллаб-қувватлаб, қатор йиллар давомида ҳар олти ойда 10 нусха газетага шахсан ўзим ташкилий ҳомийлик кўрсатмоқдаман. Иқтидорли шогирдларим Йўлдош Қосимов ва Почтахон Бобожоновлар ҳам ҳар бири 10 нусхадан обунага масъул. Шу ташаббусни вилоятимиздаги мен каби маориф соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, бугунда фахрий ҳордиқда кексалик гаштини сураётган зиёли юртдошларимиз кўллаб-қувватлашса, нур устига нур.

Газетанинг ҳар бир сонини умр йўлдошим Райхон Отабой кизи ҳамда невараларим билан қизиқиб, мутолаа қиламиз. Олдимиздан оқаётган маънавият ариғидан баҳраманд бўлиб қадрига етайлик, биродарлар.

Обиддин ФАХРИДДИНОВ,
Туркистон шахрининг ҳурматли фуқароси.
Саврон тумани, Ўранғай қишлоғи.
Сурайё Шукржон қизи тасвири.

»» Хушxabар устига хушxabар

“ЖОЛАУШЫ”ДА ЯНГИ АВТОБУСЛАР



ОБУНАЧИМИЗ Р. ТАНИРБЕРГЕНОВ
НЕВАРАЛАРИ АЛИХАН ВА ИМАНАЛИ
ЕРҚАНАТ ЎҒИЛЛАРИ БИЛАН.

Доимий обуначимиз, вилоят маслаҳатининг бир неча чақириқ депутати бўлган, сайловчилар ва муштарийларимиз савол ва таклифлари асосида кўплаб муаммоларни ҳал қилган жонкуяр инсон, “Жолаушы” МЧБ муассиси Раҳим Танирбергеновни “Парасат” ордени билан тақдирлангани муносабати билан қутладик. ҚР Президентининг бу ҳақда махсус фармони чоп этилган “Жанубий Қозоғистон” газетасининг 28 октябрь, шанба сонини ордено соҳибига тақдим этдим.



ҲОИДАЛАНИШ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ
МЕДЕТБЕК ЖУМАГЕЛДИ
САМАРҚАНДДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЯНГИ АВТОБУСЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф суратга олган.

– Халққа хизмат – олий ҳиммат. Депутат сифатидаги хизматларимни халқ яхши билади. Мен муассис-ташкilotчи бўлган “Жолаушы” автокорхонасига Самарқанд шахридан яна 50та олтмиш ўринли замонавий автобуслар олиб келинди. Янги автобуслар сони 124тага етди. Улар Туркистондаги энг гавжум ва олис 7 ва 31-сонли йўналишларда йўловчиларга хизмат кўрсатади. Ҳайдовчиларнинг ойлик иш ҳақи меҳнатига қараб 200 мингдан 500 минг тенгегача. Ҳар ойда жамоадаги ҳайдовчиларга 48 млн. тенге миқдорида маош тўланади. Туркистон шахридаги йўлқира ҳақи – 70 тенге. Бу Қозоғистондаги энг арзон нарх, – деди Раҳим Кўлбайули суҳбат чоғида.

ҚОЗОҒИСТОН – ВАТАНИМ



Республика куни ва Кутубхоначилар куни муносабати билан Қорамурт қишлоқ маданият уйида “Қозоқ эли – Ватаним” мавзусида тадбир ўтди. Унда қишлоқ ҳокими М. Нажиёв, ўқитувчилар, ўқувчилар ҳамда фаоллар иштирок этди.

Қишлоқ ҳокими сўзга чиқиб, байрам билан табриклаб, ўзининг самимий тилақларини изҳор этди. Ўқувчилар томонидан шеърлар ўқилиб, ватанпарварлик мавзусида кўшиқлар ижро этилди.

Кеча якунида М. Нажиёв байрам арафасида меҳнати ва фаол хизматлари учун бир гуруҳ мутахассислар ҳамда қишлоқ ёшлари ўртасида ўтказилган «Ўзгаришларни ўзингдан бошла!» кўрик-танловига ўз маҳоратларини намойиш этган ўқувчиларга мукофотлар топширди. Уларга яна тарихий шахар – Туркистонга зиёрат қилиш учун йўлланма берди.

Нигора РЎЗАҚУЛОВА,
Қорамурт қишлоқ
кутубхонасининг кутубхоначиси.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗГАНЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛАДИ

ган. Шунингдек, 9 ой давомида 26та савдо субъектига текширишлар юритилиб, 33та-сига қонунбузарликни бартараф этиш тавсия этилди, тадбиркорларга 155 250 тенге миқдорида жарима солинди. Бошқарманинг саъй-ҳаракатлари билан истеъмолчиларга 30,8 млн. тенгедан зиёд маблағ қайтарилган.

Давлат органлари томонидан тадбиркорлар фаолиятини текширишга мораторий эълон қилинди. Шу боис, Туркистон вилояти бўйича савдо ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси аҳолидан фаоллик кутмоқда. Дукон пештахталарида

товарлар нархи ёзилмаганлиги, ижтимоий аҳамиятга молик озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошганлиги ёки сифатсиз хизматлар кўрсатилаётгани аниқланса, шу тадбиркор устидан бошқармага шикоят қилишингиз мумкин.

Бўлимининг тегишли телефон рақамлари:
+7771 322 8282, +7700 606 0071,
+7775 224 5616, +7707 647 3876.

Манзил – Туркистон шахри,
Янги шахар кичик тумани,
32-уй, 16-бино, А корпуси, 427-хона.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Махбуйот

“ЭЛ АЙБИНИ АЙТУРҒА
БИРОВКИМ УЗАТУР ТИЛ,
ЎЗ АЙБИНИ ФОШ АЙЛАГАЛИ ТИЛ
УЗАТУР, БИЛ”.
Алишер НАВОЙИЙ.

(Табдили: “бошқаларнинг айбини айтишга тилини шайлаган киши аслида ўз айбини фош қилишга оғзини очган бўлади”).

“Феодаллар”

Болалигимни эсласам, оиламиздаги бир одат эсимга тушади. Биз – фарзандлар учун дунёда отамиздан улуғроқ, отамиздан кучлироқ, билимдонроқ одам йўқ эди. Онам икки гапнинг бирида «ҳой, ўғлим, ҳозир аданг кепқоладилар, дарров сигирга ўт юлиб кел», «ҳой, қизим, аданг кепқоладилар, ҳовлини супур», «адангни соатига тегма», «кадангни жаҳллари ёмон, шовқинламай ўтиринглар», деб қайта-қайта тайинлар эдилар. Ҳолбуки, «жаҳли ёмон» адамиз биронтамизни бирон тарсаки урган эмаслар...

Кейин тушунсам, отани қаттиқ иззат қилиш, керак бўлса, «ота шахсига сиғиниш» фақат яхшиликка олиб келишини билгани учун ҳам онам шундай қилган эканлар. Бу мутелик эмас, донишмандлик экан!

Агар шунинг оти «феодаллик» деб аталса, раҳмат, бундай «феодализм»га!

Ўткир ҲОШИМОВ.

ТИЛ – МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Янги имло қоидалари умуммиллий саводсизликни кўпайтиришга хизмат қиладиган йўсинда ишлаб чиқилгани ҳақида кўп гапирляпти.

Аммо қоидаларининг ўзидаги нуқсонлар камлик қилгандай, бу борадаги “нау-хау”лар аҳволни янада оғирлаштиришга сабаб бўлмоқда. Чунончи, асрлар давомида боболар кўллаб келган “Бешоғоч” сўзини кейинги вақтда, ҳатто, матбуотда ҳам “Бешёғоч” тарзида “тўғри”лаб ёзиш расм бўлган. Форсча “дархат” сўзининг асл ўзбекчаси “оғоч” экани, у қирқилгандан кейингина “ёғоч”га айланиши мумкинлиги ўйлаб қўрилмапти.

Минглаб йиллик маданий қадриятларга эга ўзбек халқи бирор жойни қанчадир миқдордаги ёғоч борлиги билан мўлжал қилмаслиги, у масканни ёғочнинг номи билан аташи асло мумкин эмаслиги хаёлга келтирилмапти. Бешта ёғоч ҳеч қачон кўчада муқим турмайди. “Оғоч” эса бошқа гап. Гурқираб ўсаётган беш туп оғоч ўша жой учун, аввал, мўлжал бўлиши, кейинчалик унинг отига айланиши мумкин. “Сариоғоч”, “Қушоғоч”, “Учтол”, “Беш терак” топонимлари шундан далолат беради. Фитрат “Шарқ” шеърисида: “Оғочлари яшил кийимлар кийган, Терилишар топингани Тангрига”, деб ёзади. Маълумки, “ёғоч”да яшил кийим бўлмайди, бундай либосни у ҳали “оғоч” эканида кийиши мумкин.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
профессор.

»» Таботат

ҲАР КУНИ БАЖАРИШИМИЗ КЕРАК БЎЛГАН МАШҒУЛОТЛАР

- Кунига 5 000 қадам юрсангиз, касал бўлмайсиз.
- 1 дон олма истеъмол қилсангиз, шифокорга ишингиз тушмайди.
- Бир нечта райхон баргларида есангиз, саратоннинг олдини олган бўласиз.
- Бир чой қошиқ кунжут истеъмоли орқали суяқларни мустаҳкамлаш мумкин.
- 2 литр сув ичсангиз, ёшликни сақлаб қоласиз.

ҲАР КУНИ БИТТА ОЛМА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ 10та ҲОИДАСИ

- Овқат ҳазм қилиш тизими фаолиятини меъёрлаштиради.
- Холестеринни камайтиради.
- Ўсимталардан ҳимоя қилади.
- Иммунитетни оширади.
- Темир танқислигини бартараф этади.
- Тўйинганлик ҳиссини беради.
- Тишларни тозалайди.
- Авитаминоздан асрайди.
- Жигарга ёрдам беради.
- Стрессни енгиллаштиради.

ПИСТА ТЕРИ ВА КЎРИШ УЧУН ҲОИДАЛИДИР

Писта таркибида А ва Е дармондорилари мавжуд бўлиб, улар терида қариш жараёнини секинлаштиради, иммунитетни оширади ва кўриш қобилиятини яхшилайди. Писта ёғи сепкил ва ёш доғларидан халос бўлишга ёрдам беради, терини юмшатади.

Ҳатто озгина писта таркибида кўриш секинлигини яхшилайдиган ва кўз соғлигини яхшилаш учун яхши профилактика воситаси бўлган лутеин мавжуд. Ёнғоқ компьютерда кўп ишлайдиган одамларга кўзининг зўриқшини бартараф этиш учун тавсия қилинади.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07. Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97. Тўлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16. Қазигурт – Хуршид КЎЧҚОРОВ. +7701-447-37-42. Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулқибаш – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти» масъулияти чекланган биродаллиги.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шахри, Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават. Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66. Закрирон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҲОНБОВЕВ.	Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.	• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларини тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. • Ҳоидаланганидан мақолаларга ёзма жаавб қайтарилмайди.	Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди. КЗ34УРҲ0022503 гувоҳнома берилган. «ERNUR-press» МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шахри, Т. Алимқулов кўчаси, 22. Бўғим: 2779. Нашир кўрсаткичи – 65466. Адади – 12100 нусха. Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.